

379
А-47



А, Е, Ї

faku

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР— ҲАММАГА

Ср 3541/1456-49



№ 56

ЎЗБЕКИСТОН
ССР
«БИЛИМ»
ЖАМИЯТИ

Г. АЛЕКСЕЕВ

379
А-47

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР— ҲАММАГА

(Ўрта Осиё республикалари «Билим»
жамиятларининг иқтисодий билим ва
ишлаб чиқариш илғор тажрибаларини
пропаганда қилишни ташкил этиш
тажрибасидан)

БИБЛИОТЕКА
Сам. СХИ
г.р. Самарканд



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ
Тошкент — 1976

Бор. 3541/.

Алексеев Г.

Иқтисодий билимлар — ҳаммага. (Ўрта Осиё республикалари «Билим» жамиятларининг иқтисодий билим ва ишлаб чиқариш илгор тажрибаларини пропаганда қилишни ташкил этиш тажрибасидан). Т., «Ўзбекистон», 1976.

39 б. (ЎзССР. «Билим» жамияти).

Брошюрада омманинг иқтисодий билимини оширишнинг аҳамияти, экономика, илмий-техника билимларини пропаганда қилиш борасида Ўрта Осиё республикалари «Билим» жамиятлари орттирган илгор тажрибани оммалаштириш, кўзга ташланаётган камчиликларни бартараф қилиш йўллари хусусида мулоҳаза юритилади.

Китобча «Билим» жамияти, халқ университетлари ходимларига мўлжалланади.

Алексеев Г. Экономические знания — всем.

379.3+33

А $\frac{10805-445}{М 351[06] 76}$ 88—76

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1976 й.

ЎРТА ОСИЁ RESPУБЛИКАЛАРИ ЭКОНОМИКАСИНИНГ МАРРАЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси тубдан сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар яшаш, мамлакатимизнинг юздан ортиқ миллат ва элатларини бир-бирлари билан ҳар томонлама яқинлаштириш ва улар ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқаларини боғлашга имкон берди. Социализм миллий нифоққа ва зулмга чек қўйди, илгари қолоқ ҳисобланган халқларни кенг социал тараққиёт йўлига, жаҳон цивилизациясининг юксак чўққисига олиб чиқди.

Ўрта Осиё республикаларининг халқ хўжалиги социалистик меҳнат тақсмоти принциплари асосида жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи даврида Тожикистон ССРнинг саноат маҳсулоти ҳажми 500, Қирғизистон ССРда 400 баравардан зиёд, Ўзбекистон ССРда деярли 240 баравар, Туркменистон ССРда 130 баравардан зиёд ўсди.

Ўрта Осиё республикаларида биринчи навбатда экономиканинг қулай табиий шароит ва меҳнат ресурсларига эга ҳамда халқ тажриба орттирган тармоқлари ривожлантирилди. Масалан, Ўзбекистон ССР учун меҳнатни тақсимлашнинг социалистик принципларини қўллаш деганда даставвал пахтачилик, узумчилик ва боғдорчиликни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек мамлакатимизнинг пахтакор районларини машиналар, механизмлар, пахта тозалаш ускуналари билан таъминлаш кўзда тутилади. Айни вақтда ўзбек халқи Москва ва Ленинград машинасозларининг, Кузбасс шахтёрларининг, Болтиқбўйи радиотехникларининг, Белоруссия ав-

томобилсозларининг, Донбасс химикларининг маҳсулотларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Тожикистонда қад кўтараётган Нурек ГЭСини 40 га яқин миллат вакиллари курмоқда, уни барпо қилишда Москва ва Ленинград, Харьков ва Тбилиси ҳамда бошқа шаҳарларининг 20 га яқин илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этмоқда. Бу улкан қурилишда РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва бошқа республикаларининг 100 га яқин заводлари ўз маҳсулотлари билан фаол қатнашмоқда. Нурек ГЭСи йилига 12 миллиард-киловатт-соатга яқин электр қуввати ишлаб чиқаради. Бу революцияга қадар Россия ишлаб чиқарган электр қувватидан олти баравар кўп. Нурек ГЭСи фақат Тожикистон саноати ва қишлоқ хўжалигининг тараққиётига эмас, балки Ўрта Осиёдаги бошқа қардош республикаларининг саноати ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида Тожикистон ССРнинг жанубидаги йирик газ кони базасида ишга туширилган Вахш азот ўғити заводи фақат Вахш водийсини эмас, балки Ўзбекистон ва Туркменистоннинг қўшни районларини ҳам карбонид билан таъминлаяпти.

Ўрта Осиёдаги тошкўмир запасининг учдан бир қисми Тожикистон территориясида жойлашган. Уни қазиб олиш ишларининг бирмунча суст бораётганига сабаб ўша районларга боришнинг қийинлигидир. Аммо Тожикистон яқин келажакда қардош Ўрта Осиё республикаларининг «кўмир конига» айланади.

Катта Фарғона каналини, Фарҳод ва Қайроққум электростанцияларини Ўзбекистон ва Тожикистон меҳнаткашлари, Тошсоққа каналини Ўзбекистон ва Туркменистон колхозчилари, Норин дарёсидаги тўғон ва гидростанцияни Ўзбекистон ва Қирғизистон қурувчилари бунёд этдилар.

Юқорида келтирилган мисоллардан буларнинг ҳаммаси иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ва Ўрта Осиё халқларининг Совет Иттифоқининг бошқа халқлари билан бўлган бузилмас дўстлигини янада кучайтиришга имкон берганлиги кўриниб турибди. СССР халқларининг социализм қурилиши даврида қўлга киритилиб, тобланган дўстлиги ва иттифоқдош республикаларининг сиёсий тенглигини уларнинг иқтисодий тараққиёти билан мустаҳкамлаш учун сўнгги йилларда кўпгина ишлар амалга оширилди.

10
Ҳозирги вақтда барча иттифоқдош республикалар ривожланган кўп тармоқли экономикага—қудратли индустрияга, йирик механизациялашган қишлоқ хўжалигига, миллий ишчи кадрларга ва зиёлиларга эга.

Қирғизистон ССРда республика халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган машинасозлик корхоналарининг янги қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини реконструкция қилиш мўлжалланган.

Туркменистонда турли фойдали қазилма бойликларини қидириб топиш ва уларни ишга тушириш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Ҳозир Туркменистон нефть қазиб чиқариш бўйича Совет Иттифоқида учинчи ўринни эгаллайди. Урта Осиёда қазиб чиқариладиган нефтнинг 80 процентга яқин қисмини Туркменистон бермоқда.

Шунингдек, у табиий газ запаси ва уни қазиб олиш бўйича мамлакатимизда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Умумхалқ қурилиш майдонига айланган Қорақум каналининг учинчи навбати 1971 йили тўла қуриб битказилди. Қорақум каналини бунёд этишда 36 миллат вакиллари иштирок этди, бепоён мамлакатимизнинг 200 дан зиёдроқ шаҳарлари техника ва материаллар етказиб берди. Каналнинг умумий узунлиги 840 километрга етди. Канал суви билан 300 минг гектар майдон суғорилмоқда, 130 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув билан таъминланиши ортиди.

Мамлакатимизнинг ягона халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришда саноат муҳим роль ўйнайди. Индустриалаштиришнинг ривожланиши негизда республикаларнинг иқтисодий алоқалари ортиб бормоқда, қишлоқ хўжалигининг техника билан қуролланиш даражаси, транспорт, алоқа, савдо-сотиқ ўсмоқда. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда айниқса илгари иқтисодий ривожланишдан орқада қолган республикаларга алоҳида эътибор берилди. Масалан, 1940—1970 йилларда мамлакатимиз бўйича тракторлар сони (физик бирлик) 3,7 марта ортиган бўлса, ана шу давр ичида Урта Осиё республикаларида 5,2 барабар кўпайди. 1974 йили барча Урта Осиё республикалари Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон Компартияси ва республикаси ташкил топганининг 50 йиллигини муносиб кутиб олдилар. Урта Осиё республикалари

ўзларининг олтин юбилейини мамлакатимизнинг барча республикалари билан биргаликда тантанали нишонладилар.

Совет ҳокимияти йилларида мазкур иттифоқчи республикаларда мисли кўрилмаган даражада туб ўзгаришлар содир бўлди. Экономика соҳасида социалистик индустриллаштириш ҳал қилувчи аҳамият касб этди. 1974 йили фақат Ўзбекистоннинг ўзида 1438 йирик корхона ишлаб турди.

Республикада химия, машинасозлик, нефть, энергетика, кўмир, газ, тоғ-кон, металлургия, электротехника, енгил, озиқ-овқат саноати ва индустриянинг бошқа тармоқлари ташкил этилган. Қирғизистон саноати юқори даражада ривожланган юздан зиёд замонавий корхоналарга эга. Тожикистон — кўп тармоқли саноати ва йирик колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини ўзида мужассамлаштирган қудратли индустрия ва аграр комплексга эга бўлган республика. Туркменистоннинг индустрияси ривожланган, қишлоқ хўжалиги йирик механизациялашган. Туркменистонда нефть ва табиий газ, машинасозлик ва энергетика, химия, озиқ-овқат ва енгил саноат барқ уриб ривожланди. Ўрта Осиё республикалари мамлакатимиз саноатига пахта етказиб берувчи асосий пахта базасидир. 1974 йили мамлакатимиз бўйича жами 8,4 миллион тонна «оқ олтин» етиштирилган бўлса, шунинг 7,5 миллион тоннадан ортиқроғи мазкур республикалар ҳисасидир.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин КПСС XXV съездида қилган докладида: «Ўнинчи беш йилликда СССР ягона хўжалиги доирасида мамлакатимиздаги иттифоқдош республикалар билан районлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар анча мустаҳкамланади, меҳнатни территориал мустаҳкамлашнинг самарадорлиги ортади, ҳар бир республиканинг, ҳар бир районнинг умумдавлат вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси кўпаяди. Партиянинг ленинча миллий сиёсатига мувофиқ барча иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, иқтисодий районлар, автоном областлар ва миллий округларнинг экономикасини анча юксалтириш таъмин этилади.

Ўнинчи беш йилликда планли социалистик экономиканинг бирлиги ва республикаларнинг кенг ташаббуси негизда уларнинг тараққиёти даражаларини баравар-

лаб бориш давом эттирилади»,¹— деб таъкидлаган эди.

Бизнинг иттифоқдош республикаларимиз юқори даражада ривожланган саноатга ва йирик механизациялашган қишлоқ хўжалигига эга. Улар дўстлик, қардошликнинг бузилмас алоқалари билан боғланган, моддий ишлаб чиқариш, фан ва маданиятнинг барча соҳаларини янада тараққий эттиришнинг ҳамма зарур имкониятларига эга.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

КПССнинг XXV съезди халқимизнинг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиришни ўзинчи беш йилликнинг асосий масаласи, деб белгилади. Зотан, социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий вазифаси, сиёсий иқтисоднинг олий мақсади кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини қондиришдир.

Бу мақсадларга эришишнинг асосий воситаси — моддий ишлаб чиқаришни узлуксиз ўстириш, унинг самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишдир.

Социалистик жамият капиталистик жамиятдан меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни ташкил қилишда фаол иштирок этиши, уларни бошқаришга жалб қилиш, ҳар бир онгли ишчи ўзини мазкур корхонанинг эгаси, унинг фаолияти учун масъулиятли, деб билишига шароит яратиб бериши билан кескин фарқ қилади. КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтилганидек, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенгроқ жалб қилиш бундан кейин ҳам партияимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Замонавий социалистик ишлаб чиқаришни бошқаришда фаол ва фойдали иштирок этиш учун биргина истак ва ғайратнинг ўзи камлик қилади, бунинг учун яна иқтисодий қонуниятларни чуқур билиш керак.

Партия хўжаликни юритишда, ташаббускорликни ўстиришда, ишлаб чиқаришни бошқаришда, меҳнаткаш-

¹ А. Н. Косигин. 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 58-бет.

ларнинг фаоллигини оширишда кишиларни иқтисодий томондан тайёрлаш, уларнинг илмий савияларини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, кадрлар ва барча меҳнаткашларнинг иқтисодий таълим олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бermoқда.

Ҳозир партия маорифи системасида, коммунистик меҳнат мактабларида, халқ университетларида ва бошқаларда 40 миллионга яқин киши иқтисодий билим олмақда. КПСС Марказий Комитети томонидан қабул қилинган қарорларда ишчиларнинг иқтисодий таълимини такомиллаштириш ҳақида бутун бир тадбирлар системаси белгиланган. Партиянинг мазкур қарорида иқтисодий тайёргарликни янада кенг қўламда амалга ошириш масалалари қайд қилиб ўтилган.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини ошириш КПСС XXV съездида ишлаб чиқилган партиянинг иқтисодий сиёсати, жамиятнинг иқтисодий тараққиётининг қонуниятлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг экономикаси, хўжалик юритишнинг ленинча принцип ва усуллари асосида ўрганилиши керак.

Съезд ишлаб чиқаришнинг ташкилотчи кадрларини тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш системасини мунтазам кенгайтириб, яхшилаб боришни асосий вазифа қилиб қўйди. Хусусан, биринчи навбатда марксча-ленинча иқтисодий назария соҳасида, бошқаришнинг назария ва практикаси, меҳнатни илмий ташкил этиш, планлаштириш ва моддий рағбатлантириш, замонавий ҳисоблаш техникаси ва иқтисодий-математик усулларни қўлланиш каби соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилашга алоҳида эътибор берди.

КПСС Марказий Комитети коммунистик меҳнат мактабларининг ишини яхшилаш йўлларини кўрсатиб берди. Ҳозир мамлакатимизда 360 мингдан зиёд шундай мактаблар мавжуд.

Коммунистик меҳнат мактабларида 9 миллиондан ортиқ киши ўқимоқда. Бундай мактаблар саноат корхоналарида, қурилишларда, колхоз ва совхозларда, хизмат кўрсатиш ташкилотларида ишлаб турибди. Омманинг ўз истаги ва ташаббуси билан пайдо бўлган бундай мактаблар ўқитиш ва тарбиялашнинг самарали формаларидан ҳисобланади.

Уларда ғоявий-сиёсий тарбия иқтисодий ва ишлаб чиқариш-техника ўқуви билан биргаликда олиб борилади.

Кадрларнинг иқтисодий тайёргарлигини яхшилаш—хўжалик юртишнинг илмий савиясини ошириш, меҳнаткашларнинг ташаббусини ўстириш, ҳар бир ишчини социалистик мулк ва меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш учун шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий билимини оширишнинг аҳамияти КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини яхшилаш ҳақида» қабул қилган қарорида ҳар томонлама асослаб берилган. Мазкур ҳужжат иқтисодий масалаларда лекция ўқувчи барча лекторлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

КПССнинг XXV съезди қабул қилган қарорларда партия ўқувининг барча звеноларида, оммавий пропаганда ва ишлаб чиқариш ўқуви системасида партиянинг иқтисодий сиёсати масалаларини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда илғор тажриба, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларини чуқур ва батафсил ўрганиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Ленин орденли Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг ташкилотлари КПСС Марказий Комитети пленумлари, КПСС XXV съезди қарорларига амал қила бориб, иқтисодий билимларни кенг пропаганда қилишга, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришнинг илғор тажрибаси, фан ва техника ютуқлари билан таништириб боришга муттасил ҳаракат қилмоқда.

Жамият ташкилотлари томонидан сиёсий иқтисод, аниқ иқтисод, саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалик амалиётининг илғор тажрибалари хусусида ўқиладиган лекцияларнинг сони мунтазам ортиб бормоқда (1-жадвал).

Меҳнаткашлар ўртасида иқтисодий мавзуларда ўтказиладиган лекция, доклад ва суҳбатларда асосий эътибор марксча-ленинча иқтисод фанини ва КПСС XXV съездида илғори сурилган социалистик қурилиш тажрибасини, актуал иқтисодий масалаларни пропаганда қилишга қаратилмоғи керак. А. Н. Қосигиннинг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги докладида партиянинг янги, ўзинчи беш йилликдаги иқтисодий стратегияси конкрет ва равшан баён қилинган.

Оммага коммунистик мақсадлар учун кураш йўллари, вазифаларини ҳамда партия сиёсатини чуқур тушунти-

Бутуниттифоқ «Билим» жамияти ташкилотлари
томонидан билимнинг турли соҳалари бўйича
ўқилган лекцияларнинг сони (минг ҳисобида)

Лекция тематикаси	1968 й.	1972 й.	1974 й.	1975 й.
Сиёсий иқтисод	394,5	582,5	626,8	639,8
Саноат, транспорт ва қурилиш экономикаси	465,5	758,8	864,5	896,0
Қишлоқ хўжалик экономикаси	400,6	526,4	558,0	558,7
Саноат, транспорт ва қурилиш илғорлари ва новаторларининг иш тажрибаси	251,7	351,4	415,4	449,0
Қишлоқ хўжалик илғорлари ва новаторларининг иш тажрибаси	270,8	325,0	373,9	391,7
Халқ хўжалигини бошқариш масалалари	—	—	130,5	181,0

риш ва шу асосда совет кишиларининг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини ўстириб бориш — КПССнинг ленинча анъанасидир.

Ҳозир «Билим» жамияти сафларида 3 миллионга яқин фан, маданият ва санъат ходимлари, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бор. Эндиликда фабрика ва заводларда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда, муассасаларда, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртларида «Билим» жамиятининг 141552 бошланғич ташкилоти фаол ишлаб турибди. Уларнинг аксарияти фан, техника ва маданият ютуқларини, илғор ишлаб чиқариш тажрибасини актив пропаганда қилмоқда.

Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг лекторлари ҳар йили 22 миллион лекция ўқишмоқда, бу лекциялардан ҳар куни 3 миллионга яқин тингловчи баҳраманд бўлмоқда. Жамоатчи лекторларнинг овози дала шийпониди, завод цехида, маданият уйида, студентлар аудиториясида, хуллас, совет кишиси яшайдиган ва меҳнат қиладиган ҳамма жойда янграб туради.

Мамлакатимизда чоп этилаётган барча илмий-оммабоп адабиётларнинг деярли ярми «Билим» жамияти улушидир.

Илмий-техника ва табиий-илмий мавзудаги лекциялар тингловчиларининг аудиторияси янада кенгайиб бор-

моқда. У «Билим» жамиятининг асосий вазифаси ҳисобланган совет кишиларининг материалистик дунёқараши-ни шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Илмий-техника ва табиий-илмий пропаганда мутахассислар-нинг малакасини, меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштиришга имкон беради.

Лекция пропагандасида асосий эътибор меҳнатни илмий ташкил этишга, унумдорликни ўстиришга, социалистик корхоналарни бошқаришга, хўжалик ҳисобига, иқтисод режимига, социалистик мусобақанинг самарадорлигига, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ва бошқаларга қаратилмоқда. «Билим» жамияти ташкилотлари илмий-техника тараққиётининг асосий соҳаларини тарғиб қилишга эътибор бермоқдалар.

Ўқиладиган лекцияларнинг, сони йил сайин ортиб бормоқда (2-3-жадвал). Сиёсий иқтисод, саноат ва қишлоқ хўжалик экономикаси, Ўрта Осиё республикаларининг илғор ишлаб чиқариш тажрибалари мавзuidaги маърузалар жами лекцияларнинг чорагини ташкил этади. Мазкур республикаларнинг аксарият меҳнаткашлари техника, экономика ва қишлоқ хўжалик билимлари, совет савдоси халқ университетларида ва коммунистик мактабларда ўзларининг иқтисодий билимларини ошириб бормоқдалар.

Туркум лекциялар ва доимий ҳаракатдаги лекторийлар иқтисодий билимларни пропаганда қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикалари «Билим» жамиятининг барча ташкилотларида иқтисодий масалаларга бағишланган лекциялар кенг кўламда ўтказилмоқда. Тошкент, Фрунзе, Душанба, Ашхобод ва бошқа шаҳарларнинг корхоналарида «Партиянинг ҳозирги даврдаги иқтисодий сиёсатининг асосий масалалари», «Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш — КПСС иқтисодий сиёсатининг туб масаласи» каби мавзуларда кўплаб лекциялар ўқилди. «Билим» жамияти ташкилотларида пропаганданинг бошқа формалари ҳам кенг ривожлантирилмоқда. Бу эса турли категориядаги тингловчилар иқтисодий билимларнинг табақалаштирилган программасини янада изчил ва собитқадамлик билан ўзлаштиришига имкон беради.

Ўрта Осиё республикаларида билимнинг айрим соҳалари бўйича ўтказилган лекциялар сонининг ўсиши (минг ҳисобида)

Республикалар	1968 й.	1970 й.	1972 й.	1974 й.	1975 й.
---------------	---------	---------	---------	---------	---------

Сиёсий иқтисод

Ўзбекистон ССР	16,3	2,3	26,2	30,1	29,9
Қирғизистон ССР	3,8	4,7	5,1	5,4	5,4
Тожикистон ССР	4,2	4,4	6,5	7,0	7,7
Туркменистон ССР	1,6	2,0	3,2	2,8	3,3

Илмий-техника

Ўзбекистон ССР	31,3	37,7	54,4	74,7	79,9
Қирғизистон ССР	9,2	12,1	14,9	17,8	20,6
Тожикистон ССР	5,7	8,5	11,9	18,7	21,0
Туркменистон ССР	2,1	3,1	4,2	7,0	9,4

Қишлоқ хўжалиги

Ўзбекистон ССР	84,0	99,8	104,6	113,0	119,9
Қирғизистон ССР	17,1	17,3	18,7	20,7	21,3
Тожикистон ССР	11,7	16,5	20,7	24,5	24,7
Туркменистон ССР	12,4	13,5	14,2	15,1	16,6

Ўрта Осиё республикаларида назарий конференциялар, тематик кечалар ва оғзаки журналлар сонининг ўсиши

Республикалар	1968 й.	1970 й.	1972 й.	1974 й.
Ўзбекистон ССР	7,0	10,2	11,7	21,2
Қирғизистон ССР	3,9	4,8	7,0	8,4
Тожикистон ССР	1,9	5,5	5,8	14,8
Туркменистон ССР	1,4	2,1	2,9	4,1

«Билим» жамиятининг Тожикистон ССР Ленинобод область ташкилоти илғор ишлаб чиқариш тажрибасини пропаганда қилиш борасида бой тажриба тўплаган. Илғор тажрибани иқтисодий-техника ва қишлоқ хўжалик билимлари халқ университетлари орқали пропаганда қилишнинг турли формаларидан фойдаланмоқда. Социалистик мусобақа ва техника тараққиётининг актуал масалалари ҳақида туркум лекциялар ўқилмоқда, иқтисодий ва илмий ишлаб чиқариш хусусида конференциялар, иқтисодий анализ кунлари, савол-жавоб кечалари, ишлаб чиқариш илғорлари ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Илғор ишлаб чиқариш тажрибасини пропаганда қилиш ишлари «Билим» жамиятининг Қайроққум шаҳар ташкилотида ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, социалистик мусобақани пропаганда қилишга катта эътибор берилмоқда, уни ривожлантириш йўллари мунтазам изланмоқда. Социалистик мусобақага бағишланган лекция ва конференциялардан ташқари, шаҳар радиосида ҳафтасига уч марта «Бугун социалистик мусобақа зарбдори ким?» рубрикаси остида эшиттириш уюштирилади. Унда корхона раҳбарлари, социалистик мусобақада яхши кўрсаткичларга эришган ишлаб чиқариш илғорлари сўзга чиқадилад.

Ҳожикент райони пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда областнинг пешқадам районларидан ҳисобланади. Районда йигирмадан зиёд Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, қишлоқ хўжалигининг кўплаб илғорлари меҳнат қилмоқдалар. Бу меҳнат фидойиларининг иш методларини оммалаштириш ва ўрганиш мақсадида районда илғор тажриба мактаби, бешта халқ университети ва коммунистик меҳнат мактаби ташкил этилган. «Билим» жамиятининг Ҳожикент район ташкилоти илғор хўжаликлар ҳақида плакатлар чиқариш методидан кенг фойдаланмоқда.

Илғор тажрибани пропаганда қилишда областнинг кўпчилик корхоналарида ташкил этилган техника пропагандаси уйлари ва иқтисодий анализ кабинетлари катта самара бермоқда. Ленинобод ипакчилик комбинатининг техника пропагандаси уйи областда машҳур. Техника пропагандаси уйида илмий-техника пропагандасининг актуал масалаларига бағишланган лекциялар ўқишдан ташқари, лекторлар семинари ўтказилади. Бундай семи-

нарларда етук мутахассислар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари ўзларининг меҳнат «сирлари» билан ўртоқлашадилар, ишлаб чиқаришнинг мазкур тармоғига оид бўлган чет эл ва совет адабиётларининг янгиликлари ҳақида сўзлаб беришади. Лекторлар фойдалансин учун адабиётлар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида плакатлар, чиройли қилиб безатилган стендлар тайёрлаб қўйилган.

Техника пропагандаси уйида илмий-техника билимларининг кинолекторийси ишлаб турибди. Кинолекторийда меҳнатнинг илғор усуллари, ўнинчи беш йилликда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга оид киноленталар намойиш қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев стахановчилик ҳаракатининг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўллаган табригида тўққизинчи беш йиллик новаторларининг ташаббуслари — «ишчилар эстафетасига», муқобил планлар қабул қилишга, турдош касб эгаларининг оммавий равишда шартнома-лар тузишига, фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг ҳамкорлигига, бригада хўжалик ҳисобига, меҳнат унвдорлигини ошириш борасида олинган шахсий планларга, тежамкорлик шахсий счётига юқори баҳо берди. Мазкур ташаббусларни кенг ёйишда партия комитетлари ва «Билим» жамияти лекторларининг хизматлари катта бўлиши керак.

Нурек ГЭСи қурилишида пайдо бўлган мусобақанинг янги формаси — Ишчи эстафетаси бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилди. У Иттифоқимизнинг механизмлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариладиган ўнлаб корхоналарини ўзаро боғлади.

Ишчилар эстафетасининг туб моҳияти тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки пайтларида Нурек ГЭСи қурувчиларининг хатида ўз аксини топган эди. Унда завод коллективи билан бўладиган бевосита алоқалар, нурекликларнинг буюртмаларини муддатидан илгари бажаришда қўшимча резервларни қидириб топиш каби муҳим таклифлар қайд этилган эди. Улар завод коллективига ёзган мазкур хатларида: «Биз мусобақанинг янги турини эътиборингизга ҳавола этамиз. Бунда бир бригада бошлаб берган ишни бошқаси давом эттириши керак. Сиз асбоб-ускуналар тайёрлайсиз, биз эса унга би-

но, пойдевор қурамиз, уни монтаж қиламиз. Мусобақада ким орқада қолаётгани кўриниб туради. Мусобақада иштирок этаётган барча бригадалар қатъий график асосида мажбурият олсалар, муҳим асбоб-ускуналар складларда тўпланиб қолмайди, қурилишдаги ишчилар ҳам, қудратли механизмлар ҳам бекор турмайди»,— деб ўз қалб сўзларини баён қилган эдилар.

Ишчилар эстафетасининг самараси тезда намоён бўлди. Ишга тушириш комплекси учун зарур жиҳозлар ўз вақтида етказилди ва 1972 йилнинг ноябрь ойи ўрталарида турбина муддатидан илгари ток бера бошлади.

Нурекликларнинг тажрибаси Грузияда қурилаётган Ингури ГЭСи иншоотида, Қирғизистондаги Тўқтўқул гидроузелида, Чорвоқ гидроэлектростанциясида, Уст-Илим, Мари ва Сурхондарё ГРЭСлари қурилишларида кенг кўламда қўлланила бошланди.

Ўртоқ Н. А. Косигин КПСС XXV съездида қилган докладида: «Хом ашё, материаллар, комплектловчи буюмлар етказиб берувчи корхоналар коллективларининг тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи завод ва фабрикалар коллективлари билан мусобақаси тобора кенг кўламда авж олиши беш йиллик вазифаларини ҳал этиш учун жуда муҳимдир. Бу мусобақанинг халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажаришга комплекс таъсир кўрсатишни кучайтиради, хом ашёдан тортиб то пировард маҳсулотга қадар ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида сифатни ошириш имконини беради»,¹ — деб таъкидлаган эди.

Халқ университетларида иқтисодий таълим бериш техника тараққиёти, қишлоқ хўжалик ва иқтисодий билимлар халқ университетлари билим ва илғор тажрибани пропаганда қилишнинг, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим формаларидан ҳисобланади. Ҳозир халқ университетлари қишлоқ жойларда ҳам оммалашиб бормоқда. Халқ университетларида ўқиётган колхозчи ва совхоз ишчиларининг сони сўнгги беш йил ичида деярли 3 марта ўсди. Жами тингловчиларнинг 45 процентини ёшлар ташкил этади. Халқ университетлари ташкил этилгандан бери уларни 30 миллионга яқин киши битириб чиқди. Кўпчилик халқ

¹ А. Н. Косигин. 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, 35-бет.

университетлари ҳозир мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш системасини тўлдириб, омманинг илмий-техника билимларини кенгайтиришда, малакасини оширишда актив ёрдам бермоқда. Фақат 1973 — 1974 йилларда мамлакатимиздаги халқ университетларида 733 мингдан зиёд ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар малака оширдилар. Ҳозир деярли 1,8 миллион киши экономика, бошқариш назарияси ва практикаси, социалистик ҳўжалик юритиш соҳасида ўз билимларини оширмоқда.

Учинчи беш йиллик сифат ва самарадорлик беш йиллиги бўлганлиги учун ҳам халқ университетлари ва унинг «Илмий изланиш», «Ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш», «Чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш», «Инженерлик психологияси ва педагогикаси», «Ишлаб чиқариш эстетикаси» каби факультетларини такомиллаштиришга тўғри келди.

Ҳозир мамлакатимизда 35 мингдан зиёд халқ университетлари ишлаб турибди, унда 9 миллиондан зиёд тингловчи таҳсил кўрмоқда. Ўрта Осиё республикаларида 3100 халқ университетлари мавжуд бўлиб, шундан 365 таси иқтисодий билимлар, 105 таси илмий-техника билимлари, 160 таси қишлоқ ҳўжалик билимлари ва бошқа халқ университетларидир.

Халқ университетларининг Бутуниттифоқ кўриги якунларига кўра, 1973 — 1975 йилларда Ўрта Осиё республикаларидаги 35 та халқ университети Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг мақтов қоғози билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркменистон ССР «Билим» жамиятлари ва халқ университетлари республика советларининг ўнинчи беш йилликдаги асосий вазифаси халқ университетларини билим учун умумхалқ юриши умумтаълим ва кадрларни профессионал ўқитиш, совет кишиларининг маданиятини ўстириш, янги киши — социализм қурувчисини шакллантириш марказига айлантиришдан иборат бўлмоғи керак.

Партия, давлат органлари ва Ўрта Осиё республикалари «Билим» жамиятларининг ташкилотлари халқ университетлари шохобчаларини ривожлантиришда, ўқув-тарбия ишларини такомиллаштиришда катта ишларни амалга оширдилар (4-жадвал).

Кейинги йилларда халқ университетлари
шоҳобчаларининг ўсиши

Республикалар	1967/68 ўқув йилида		1972 йил июлга қадар		1974 йил март ойига қадар	
	университетлар сони	тингловчилар сони (минг киши ҳисо- бда)	университетлар сони	тингловчилар сони (минг киши ҳисо- бда)	университетлар сони	тингловчилар сони (минг киши ҳисо- бда)
Ўзбекистон ССР	861	71,0	1608	163,2	1930	310,0
Қирғизистон ССР	211	34,1	327	94,0	433	115,6
Тожикистон ССР	212	15,5	624	68,9	823	90,0
Туркменистон ССР	106	15,9	202	20,7	210	37,83

Кейинги йилларда халқ университетлари тингловчи-ларининг социал составида айрим ўзгаришлар содир бўлди. Сўнгги 3 йил ичида халқ университетларида иш-чилар сони 2,2 марта ўсиб, жами тингловчиларнинг уч-дан бир қисмини ташкил этди. Шунингдек, халқ уни-верситетларига колхозчилар ҳам кенг жалб қилинмоқ-да. Уларнинг сони Туркменистонда 3,7 марта кўпайди, Тожикистон ва Ўзбекистонда ҳам анчагина ортди.

Қирғизистоннинг 42 та иқтисодий билимлар халқ университетидида 7,7 минг, Тожикистоннинг 88 та универ-ситетидида 4,6 минг, Туркменистоннинг 12 университетидида 2,2 минг, Ўзбекистоннинг 222 университетидида 10,8 минг киши таҳсил кўрмоқда. Тожикистон ССРда қишлоқ хў-жалик билимлари университети, Қирғизистон ва Ўзбе-кистон ССРда экономика ва савдо-сотиқни ташкил этиш университетлари айниқса яхши ишламоқда.

Машғулоти жонли, қизиқарли уюштириш, матери-ални тингловчиларга содда ва аниқ тушунтириш мақ-садида хилма-хил дарс формаларини изланиш ва қўл-ланиш — Ўрта Осиё республикалари халқ университет-лари фаолиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Экономика, илмий-техника ва қишлоқ хўжалик билимлари халқ университетларининг машғулотида ҳозир социалистик мусобақани ташкил этиш, халқ хўжалигини юритиш методларини такомиллаштириш, меҳнат унвдорлигини ошириш, хом ашёдан рационал фойдаланиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим факторларидан бири эканлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур университетларнинг машғулотида ўзинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган. Замонавий илмий-техника ютуқларини, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини пропаганда қилишда, тингловчиларнинг ижодий ташаббусини ўстиришда ва уларни ихтирочилик ва рационализаторликка ундашда халқ университетларининг роли сезиларли даражада ўсиб бормоқда.

Халқ университетлари юқорида қайд қилинган соҳалардан ташқари, яна партия ўқувини органик равишда тўлдиради, Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашларининг иқтисодий умум таълимида муҳим роль ўйнайди. Шунинг билан бирга халқ университетлари коммунистик меҳнат мактаблари, экономика ва илғор ишлаб чиқариш тажриба мактаблари учун пропагандист кадрлар тайёрловчи мактаб вазифасини ҳам ўтайди.

Қирғизистон ССР Қораолта қанд комбинатининг барча ишлаб чиқариш звеноларида меҳнатни илмий ташкил этишни ва уни ўрганишни жорий этишда 1966 йили ташкил этилган меҳнатни ташкил этиш халқ университети муҳим роль ўйнади. Университетда Москва, Фрунзе шаҳарларидан келган етук мутахассислар ва олимлар лекция ўқидилар, техникага оид кинофильмлар кўрсатилди. Университет тингловчилари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унвдорлигини оширишнинг конкрет масалалари ҳақида рефератлар ёздилар. Сўнгги уч йил ичида университет тингловчилари 100 дан зиёд рационализаторлик таклифларини жорий этдилар. Шу йўл билан тахминан 500 минг сўм тежаб қолинди.

Фрунзе номидаги қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи халқ хўжалик университетининг илмий-техника билимларини пропаганда қилиш тажрибаси диққатга сазовор. Бу ерда республика Госплани ходимлари, Фрунзе шаҳридаги олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари олимлари ҳамда заводнинг етакчи

мутахассислари лекция ўқийдилар. Тингловчилар КПСС иқтисодий сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни, Ватанимиз ва чет эл фан ва техникаси ютуқларини ўрганадилар, ихтирочилар ва рационализаторлик таклифлари, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш кўрикларида иштирок этаптилар. Бу эса корхоналар ишини муваффақиятли олиб боришга ёрдам бермоқда.

Қирғизистон ССРда халқ университетининг техника тараққиёти ва экономикаси ёшлар факультетларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай факультетларда ёшлар техника ижодиёти асосларини эгаллайдилар, хилма-хил тажрибалар ўтказадилар, илмий изланиш ҳамда ихтирочилик методикасини ўрганадилар.

Бухоро шаҳридаги 163-қурилиш трести қошидаги техника-иқтисодий билимлар халқ университети қурувчилар орасида самарали ишламоқда. Унинг 1965 йили ташкил этилган икки факультети ва ўн бўлимида ҳар йили 300 дан зиёд прораблар, мастерлар, ишчилар, лаборантлар, план ва техника хизмати ходимлари, иқтисодчилар ва бошқалар таҳсил кўради. Тингловчилар «Қурилиш иқтисоди ва уни ташкил этиш масалалари», «Хўжалик ҳисоби — социалистик хўжалик юритишнинг асосий методи», «Қурилишда резервларни қидириб топиш ва ундан фойдаланиш», «Қурувчиларнинг 1976 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси» каби масалаларни ўргандилар.

1961 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент электро-техника заводида ташкил этилган илмий-техника тараққиёти ва иқтисодий билимлар халқ университетининг иш тажрибаси алоҳида мақтовга сазовор. Мазкур университетда инженер-техник ходимлар, заводнинг илғор ишчилари таълим олади. Университетнинг ўқув программаси коллективнинг ишлаб чиқариш вазифалари, кадрларнинг малакасини ошириш масалалари билан боғлаб тузилган.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти қошида бундан ўн икки йил олдин ташкил этилган техника иқтисоди ва иқтисодий билимлар халқ университетининг фаолияти республикадан ташқарида ҳам машҳур. У Ўрта Осиё темир йўли, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи-

нинг инженер-техник ходимлари билан кўп йиллардан бери ижодий ҳамкорлик қилиб келаётир. Унда олимлар лекция ўқидилар, амалиётчилар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. Кейинчалик темир йўл хўжалиги ва транспорт экономикасининг тармоқларидаги инженер-техник ходимлар, мастерлар, бригада бошлиқлари, ишлаб чиқариш илғорлари учун доимий семинарлар ташкил этилди. Университетда институтнинг 100 га яқин ўқувчилари машғулот олиб боришди. Университетни тугатган тингловчилар разряд олишда, лавозимга кўтаришда, институт аспирантурасида ўқиш ва диссертация ҳимоя қилиш учун тавсиянома олишда айрим имтиёزلарга эга бўладилар.

Ўрта Осиё республикаларида илғор тажриба ва иқтисодий билимлар пропагандаси фақат иқтисод-техника билимлари халқ университетларида эмас, балки қишлоқ хўжалик билимлари халқ университетларида ҳам амалга ошириляётир.

Қорақалпоғистон АССРнинг Чимбой район деҳқончилик илмий-текшириш институти қошида ташкил этилган қишлоқ хўжалик билимлари халқ университетининг иш тажрибалари диққатга сазовордир. Университетда пахтачилик, ўсимликшунослик ва чорвачилик факультетлари бор. Университетда дарс берадиган 20 ўқитувчининг 12 таси фан кандидатлари. Факультетнинг ўқув планида ўқув ишларини мумкин қадар ишлаб чиқаришга яқинлаштириш ва тингловчиларнинг малакасини ошириш ҳисобга олинган. Ишлаб чиқариш илғорлари семинар машғулотларда ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Туркманистон ССРда билимнинг турли соҳаларини ўз ичига олган район университетлари ташкил этилмоқда. Республика шароитида лекторларни бир университетда жамлаш ижобий натижалар бермоқда. Чунончи, Тошҳовуз область Тошҳовуз районининг бир-биридан 100 км га қадар масофада жойлашган хўжаликлари ходимлари учун район халқ университети ташкил этилган. Мазкур университетда бешта факультет — қишлоқ хўжалик билимлари, қонунчилик, педагогика, маданият ва медицина билимлари факультетлари ишлаб турибди. Университетнинг қишлоқ хўжалик билимлари факультети илғор «СССР 40 йиллиги» хўжалиги базасида иш олиб боради. Мазкур университетни район партия коми-

тетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳанифа Қурбонова бошқаради, факультетлардан бирига эса колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Сабуров раҳбарлик қилади. Университетда машғулотларни «Билим» жамиятининг энг яхши лекторлари область ва район ишлаб чиқариш илғорлари олиб борадилар. Университетда Тошҳовуз қишлоқ хўжалик техникумининг ўқитувчилари, область тажриба станциясининг ходимлари лекция ўқийдилар.

Қирғизистоннинг Кант районида 1965 йилда ташкил этилган кўчма халқ университети қизилқарли ва сермазмун иш олиб бормоқда. Университет ҳаёт талаби ва районнинг ўзига хос шарт-шароитига мувофиқ равишда ташкил этилди. Районда 113 аҳоли яшайдиган пункт, 11 колхоз, 14 совхоз, марказий қўрғондан анча узоқда жойлашган кичик-кичик посёлкалар мавжуд. Бу кўчма халқ университети тингловчиларга бевосита дала шийпонларида, чорвачилик фермаларида хизмат кўрсатади. Унинг машғулотлари йил бўйи давом этади.

Ўрта Осиё республикаларида илғор тажриба ва билимларни пропаганда қилишда халқ университетлари катта иш қилаётганини таъкидлаш билан бирга, ҳали бу борада имконият ва резервлар кўплигини қайд қилиб ўтиш лозим. Мазкур республикаларда иқтисодий-техника билимлари халқ университетлари етарли даражада эмас.

Айрим халқ университетларида илғор тажриба, фanning энг янги ютуқларини пропаганда қилишга мўлжалланган мукамал система йўқ. Ўқув плани ва программасига халқ университети мақсади билан боғлиқ бўлмаган мавзулар киритилмоқда. Шунингдек, янги маълумот бермайдиган, ҳаётдан ажралиб қолган лекциялар ҳам бўлиб туради.

Қатор университетларнинг тажрибасига қараб халқ университетларининг муваффақиятли иш олиб бориши асосан моддий базанинг мавжудлигига, мутахассис ўқитувчилар составига, тингловчиларнинг бутун ўқув йили давомида иштирок этишига, ўқув жараёнининг министрликлар, идоралар ва «Билим» жамияти ташкилотлари томонидан назорат қилиб турилишига боғлиқ, деган хулосага келинди.

Ишлаб чиқариш экономикасини бошқариш масалалари халқ университетларини, ёшларнинг техникавий

ижодини йўлга қўйишга имкон берадиган ёш ихтирочилар ва новаторлар факультетини ташкил этишда халқ университетларида дарс беришга ва ўқув-методик ишларига республика Фанлар академиясининг олимларини, идоралар ва министрликлар раҳбарларини, Госплан ходимларини, ишлаб чиқариш иқтисодчилари ва бошқа мутахассисларини жалб қилишга алоҳида эътибор беришни тақозо қилади.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ ФОРМАЛАРИ

«Билим» жамияти ташкилотлари оммавий-сиёсий пропаганданинг хилма-хил формалари системасига эга. Тингловчилар билим олишнинг ўзлари учун мос бўлган, яъни тингловчиларнинг маълумоти, ёш хусусиятларига тўла жавоб берадиган маълум бир формасини танлашлари мумкин. Машгулот формалари орасида лекция кўпроқ қўлланмоқда.

Иқтисодий техника қишлоқ хўжалик билимлари ва илғор ишлаб чиқариш тажрибасини пропаганда қилишда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти аъзолари фаол иштирок этмоқдалар. Мазкур жамиятга 3 мингдан зиёд иқтисодчилар, 7 мингдан кўпроқ инженер-техниклар, 5 мингга яқин қишлоқ хўжалик мутахассислари, 1500га яқин хўжалик ва корхона раҳбарлари, 2 мингдан ортиқроқ ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бирлашган. Улар машинасозлик, химия, қурилиш, нефть-газ, олтин қазиб чиқариш саноатлари, қишлоқ хўжалиги билимларини пропаганда қилишга алоҳида эътибор беришмоқда. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик билимларини, айниқса, пахтачилик масалаларини пропаганда қилиш «Билим» жамияти ташкилотларининг доимо диққат марказида турибди.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти Правлениеси қошидаги қишлоқ хўжалик билимларини пропаганда қилиш илмий-техника методика совети лекторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларига ёрдам тариқасида пахтачиликка оид қўлланмаларни нашрга тайёрлайди. Республикада лекторийлар сони сиёсий иқтисод ва қурилиш экономикасига оид қатор лекциялар ҳисобига анча орт-

ди, назарий ва илмий-амалий конференциялар тез-тез ўтказилмоқда, халқ университетлари ва иқтисодий билимлар факультетлари қайта ташкил этилди. Ўзбекистонда ҳозир 300 га яқин иқтисодий ва иқтисодий-техника билимлари халқ университетлари ишлаб турибди.

Ўзбекистон ССРда сўнгги йилларда айрим группадagi тингловчилар билан узоқроқ ишлашга ва уларга кўпроқ ғоявий таъсир этишга имкон берадиган пропаганда формалари кўпайиб бормоқда.

Умумиқтисодий проблемалардан ташқари, жамият яна меҳнат тарбияси, социалистик мусобақалар уюштириш, ижодий ишларни ривожлантириш йўллари ва усуллари, оммавий меҳнат ташаббуслари, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини пропаганда қилиш борасида ҳам тез-тез лекциялар уюштириб турибди. Новаторларнинг турдош корхоналар ишчилари билан коллектив учрашувлари, мусобақа илғорларининг тажриба алмашуви мунтазам ташкил этилмоқда. Маълумки, В. И. Ленин илмий-техника интеллигенциясини социалистик жамиятнинг хўжалик ва маданий қурилишига кўпроқ жалб қилиш кераклигига катта эътибор берган, фан ва техника ютуқларини меҳнаткашлар ўртасида тажриба қилиш интеллигенция вазифасидир, деб бир неча марта таъкидлаб ўтган эди. В. И. Ленин 1920 йилдаёқ ишлаб чиқариш пропагандаси тезисларида: инженерлар, агрономлар, ўқитувчилар, сўнгра маълум даражада малакаси бўлган совет хизматчилари мунтазам, ташкилий равишда ва системали суратда ишлаб чиқариш пропагандаси ишига тортилиши зарур,¹ деган эди. Доҳий бу доно фикрларини башорат қилганига ярим аср бўлди. Ватанимиз саводхон ўлкага айланди: ишчи, деҳқонлар орасидан ишчан совет интеллигенцияси етишиб чиқди. Ҳозир интеллигенция халқнинг яратувчилик фаолиятида жуда ҳам хилма-хил формаларда иштирок этмоқда. Аксарият илмий ишларни жорий қилиш олимларнинг ишлаб чиқариш коллективлари билан бевосита алоқасини таъминламоқда. Бу жиҳатдан «Билим» жамиятининг бошланғич ташкилотлари, Ўрта Осиё республикаларидаги олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари саноат корхоналарини, колхоз ва совхозларни оталиққа

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 427-бет.

олишлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Чунончи, Тошкент шаҳридаги ўн икки илмий ташкилот Тошкент об-ласти корхоналарини оталиққа олган. Улардан айрим-лари ижодий ҳамкорлик ҳақида шартлашганлар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг кибернетика ин-ститути, Тошкент политехника институти, Шредер номи-даги узумчилик, боғдорчилик ва виночилик институти, ЎзССР Госпланининг Экономика институти шулар жум-ласидандир. Ҳамкорликнинг бу формаси корхона ишчи-лари ўртасида тадқиқот ишларига қизиқиш, илмий маш-ғулотларга ҳавас уйғотади.

Олимлар билан ишлаб чиқариш ходимлари ўртасида биргаликда тадқиқотлар ўтказиш назарий тадқиқотлар-ни ишлаб чиқаришга, илмий-техника соҳасидаги тавсия-ларни халқ хўжалигига тез жорий этишга, маҳсулот си-фатини, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон бера-диган янги машиналар системаси, агрегатлар ва ишлаб чиқариш методларини яратишга шарт-шароит туғдириб беради.

Олимлар техника тараққиёти учун курашаётган ил-гор участкаларда лекция ўқийдилар, суҳбат ўтказадил-лар, фан ва техника ютуқларидан амалда кенг қўлла-нишга кўмаклашадилар.

Қирғизистон Фанлар академияси экономика инсти-тутининг аксарият илмий ходимлари коммунистик меҳ-нат мактаблари пропагандистлари учун ўтказиладиган район семинарларига бошчилик қилмоқдалар, саноат корхоналари экономикаси масалалари бўйича ўтказила-диган илмий-амалий ва назарий конференцияларда фа-ол иштирок этмоқдалар, республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари хусусида семинарлар ўтказмоқдалар.

Ўрта Осиё республикалари маданий ҳаётида кўпчи-лик ишлаб чиқариш ходимларини қизиқтирувчи саноат ва қишлоқ хўжалигини такомиллаштиришнинг актуал масалаларига бағишланган илмий ва илмий-ишлаб чи-қариш конференциялари муҳим ўрин тутди. Масалан, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-текши-риш институтининг етакчи олимлари Андижон, Наман-ган, Сирдарё, Тошкент, Фаргона ва Хоразм области районларидаги колхоз ва совхозлар партия комитетла-рининг секретарлари учун ўтказилган семинарларда актив иштирок этдилар.

Илмий-ишлаб чиқариш ва иқтисодий мавзудаги конференцияларда Тожикистон Фанлар академияси экономика институтининг олимлари, В. И. Ленин номидаги Тожикистон Давлат университетининг профессор ва ўқитувчилар состави фаол қатнашмоқдалар. «Билим» жамиятининг қишлоқ жойлардаги бошланғич ташкилотларига Душанбе қишлоқ хўжалик институти ҳамда боғдорчилик ва узумчилик илмий-текшириш институтининг олимлари ва ўқитувчилари катта илмий-методик ёрдам бермоқдалар. Тожикистон ёшлар, маиший хизмат ходимлари ўртасида илмий-ишлаб чиқариш конференциялари бот-бот ўтказилиб турибди.

«Билим» жамияти республика ташкилотлари фанлар академиялари билан биргаликда ўтказётган «Фан кунлари» Урта Осиё республикалари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида айниқса кенг тарқалмоқда. «Фан кунлари»да олимлар, фан ва техника ходимлари иштирок этмоқдалар.

Тингловчиларни билимлар системасидан хабардор қилиш, мураккаб масалаларни ёритиб бориш қатор лекциялар ўтказишни талаб қилади. Ҳозир республикаларнинг саноат корхоналарида қурилишларида колхоз ва совхозларда «Социалистик хўжалик юритишнинг ленинча принциплари», «Иқтисод фани ва халқ хўжалигини бошқариш», «Саноат корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш» каби масалаларга бағишланган лекциялар ўтказиш оммалашиб кетди.

Тошкентдаги республика «Билимлар уйи» иқтисодий билимларни пропаганда қилишда қизиқарли ва хилма-хил ишлар олиб бормоқда. ЎзССР Фанлар академияси экономика институти олимлари билан биргаликда «Иқтисод фани ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусида қатор лекциялар ўқилди.

«Билимлар» уйида республика меҳнатни илмий ташкил этиш ҳамда илмий-техника ахбороти ва пропаганда-си институти томонидан илмий-техника кинофильмлари фестивалини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

«Билимлар» уйида «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари», «Хўжалик юритишнинг социалистик системаси» «Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги», «Сифат ва тараққиёт», «Министрлар минбари» каби мавзуларда лекциялар ўтказилмоқда. «Иш-

лаб чиқаришни бошқариш ва экономика асослари», «Маҳсулот сифатини яхшилашда стандартлар ролини ошириш» каби иқтисодий билимлар лекторийси, «Фан ва техника янгиликлари» кинолекторийси мунтазам ишлаб туради, шунингдек, вақт-вақти билан «Фан ва техника янгиликлари» кинолекторийси уюштирилади.

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ПРОПАГАНДА

«Билим» жамиятининг бошланғич ташкилотлари Ўрта Осиё меҳнаткашлари ўртасида иқтисодий билимларни ва ишлаб чиқариш тажрибаларини пропаганда қилишда катта роль ўйнамоқда. Утказилган жами лекцияларнинг 80—90 проценти Билим жамиятининг бошланғич ташкилотлари ҳиссасидир. Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, колхоз ва совхозлардаги бошланғич ташкилотлари тингловчиларга мослаб лекция пропагандасининг самарали форма ва усуллари танламоқдалар, лекцияни коллективнинг амалий вазифалари билан боғлаб олиб бормоқдалар.

Ун минглаб меҳнаткашлар иқтисодий мактабларнинг, курсларнинг, тўғарақларнинг, лекторийларнинг, коммунистик ва илғор тажриба мактабларининг турли тармоқларида ўз иқтисодий билимларини ошириб бормоқдалар. Қўпгина корхоналарда иқтисодий пропаганданинг маълум системаси ташкил этилган. Бундай пропагандада «Оз маблағ сарфлаб, сифатли, мўл маҳсулот етказиб берайлик» шиори юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулотнинг сифатини ошириш, тежаш ва иқтисод қилиш учун социалистик мусобақани қизитиб юбориш билан қўшиб олиб борилмоқда.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида сўнгги йилларда иқтисодий таълимнинг изчил системаси вужудга келди, иқтисодий таълимни пропаганда қилишда хилма-хил формалардан моҳирона фойдаланилмоқда.

Бирлашманинг тажрибаси кўрсатишича, ишлаб чиқаришни ривожлантириш меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ва социал масалаларни ҳал қилиш билан комплекс ҳолда амалга оширилганда жиддий ютуқларга эришилади. Бирлашма ишлаб чиқариш топшириқлари-

ни барча кўрсаткичлар бўйича доимо бажариб келмоқда. Қорхонани 1976—1980 йилларда иқтисодий-техника ва социал жиҳатдан ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Бу тадбирларда цехларни реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологияни такомиллаштириш ҳамда унинг маданиятини ўстириш масалалари акс этган. Унда кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш, уларнинг профессионал маълумотини ошириш, маданий дам олишни ташкил этиш каби социал тадбирларга катта эътибор берилган. Меҳнаткашларни ғоявий тарбиялаш ишларини кучайтириш юқорида қайд қилинган тадбирлар системасининг таркибий қисмини ташкил қилади.

Кишиларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш учун кураш, социал-иқтисодий ривожлантириш планини амалга ошириш самолётсозларнинг тўққизинчи беш йиллик плани муддатидан илгари бажаришларига имкон берди.

Эришилган муваффақиятлар, деб таъкидланади Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг самолётсозларга табригида, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва завод хизматчилари ижодий меҳнатининг, партия, касаба союз, комсомол ва жамоат ташкилотларининг катта ташкилий, сиёсий ишларининг ҳамда заводдаги мавжуд ички резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш йўлида олиб борилган оммавий мусобақанинг самарасидир.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тўққизинчи беш йилликда эришган ютуқлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Эсдалик нишони ва кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди ҳамда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди. Яқинда Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг Превлениеси Президиумида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич ташкилотининг «Билим, ғоявий ишонтириш, ташкилотчилик таланти — беш йиллик хизматида» шiori остида ўтган иш тажрибаси ўрганиб чиқилди ва маъқулланди.

Самолётсозларнинг бу муваффақиятида биринчи навбатда техника тараққиёти, иқтисодий-техника соҳасидаги тадбирлар бўйича комплекс беш йиллик плани ишлаб чиқиш, социал ривожланиш муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, бу планининг бир бўлими «Билим» жамия-

тининг ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги бошланғич ташкилотининг вазифаларига бағишланган эди. Бу қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон берди:

лекция пропагандасининг самарадорлигини ошириш ва уни илмий асосда ташкил этиш;

ишларни бир неча йил олдин планлаштириш, экономика ва илмий-техниканинг актуал мавзуларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш;

билим ва тажрибаси ҳар хил бўлган тингловчилар учун пропаганданинг форма ва усулларини танлаш;

ўтказилаётган тадбирлар мазмуни завод, бўлим ва цех вазифалари билан бевосита боғлиқ бўлиши; инженер-техник ходимлар, мастерлар, бригада бошлиқлари ва пешқадам ишчиларнинг профессионал маҳоратларини оширишда фаол иштирок этиш;

корхонанинг социал ва иқтисодий ривожланиш планини кенг пропаганда қилиш;

тингловчиларнинг қизиқиш ва талабларига биноан лекциялар ўтказиш;

коллектив ўртасида олиб бориладиган барча пропаганда ишларини бошқа жамоат ташкилотлари иши билан мувофиқлаштириб туриш.

«Билим» жамияти бирлашма ташкилотида 500 га яқин лекторлар бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси олий маълумотлидир. Лекторларнинг деярли 86 проценти КПСС ва ВЛКСМ аъзоси, 5 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 3 киши СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутати, 15 киши меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг депутатидир.

«Билим» жамияти В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкилоти муваффақиятининг «сири» нимада?

Бирлашмада лекция пропагандасининг аниқ планлаштирилган системаси мавжуд. Доимий ҳаракатдаги лекторий, туркум лекциялар, кинолекторий, илмий-амалий ва иқтисодий конференциялар, коммунистик меҳнат мактаблари, «Фан куни», илғор тажриба ва иқтисодий мактаблар каби форма ва усуллардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ойда бир марта ўтказиладиган лекциядан ташқари, ҳар бир цех, бўлим ва бўлинмаларда «КПСС XXV съезди қарорлари ҳаётга» рубрикаси остида 100 та лекторий мунтазам ишлаб турибди. Ҳар бир лекторий про-

граммасига коммунистик қурилишнинг актуал масалаларига доир 20—22 мавзу киритилган.

Самолётсозлар айниқса иқтисодий ва илмий-техника билимларини, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини пропаганда қилишга катта эътибор бермоқдалар. 1975 йилда «Билим» жамиятининг лекторлари ана шу мавзуда 2,5 мингдан зиёдроқ лекция ўқидилар, мазкур лекциялар ҳақиқий ва аниқ материалларга бой ва ишлаб чиқариш талаблари билан мустаҳкам боғлангандир.

Лекция пропагандасида бирлашма директори, директор ўринбосари, бош инженер ва бошқа раҳбарлар, етук мутахассислар, партия, касаба союз ва комсомол ходимлари фаол иштирок этмоқдалар. Ҳар ойда «Ленинча жумалик» ўтказиш самолётсозлар ҳаётида анъанага айланиб бормоқда. Бундай жумаликларда ҳар бир цех ва бўлимда 30—40 раҳбар маъруза қилади.

«Хўжалик юритишни ўрганинг» радио-мактабининг иши ҳам эътиборга молик. Радио-мактаб машғулотлари ҳар ойда икки марта ўтказилади. Унда истиқболга мўлжалланган планга мувофиқ жамият лекторлари — корхонанинг мутахассислари сўзга чиқадиладар.

Мутахассис кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, ишчи ва хизматчиларнинг илмий-техника соҳасидаги билим савияларини оширишда халқ университети катта роль ўйнамоқда. Халқ университетининг 9 та факультети ва 3 та бўлими бўлиб, унда 2300 киши таҳсил кўрмоқда. Мана ўн тўрт йилдирки халқ университети муваффақиятли ишлаб келмоқда. Утган давр ичида мазкур билим масканини 10 мингдан зиёд самолётсоз би-тириб чиқди.

Бирлашманинг сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилувчи барча ташкилотлари бирлашма партия ташкилоти раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб борадиладар.

Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўнинчи беш йилликда иқтисодий-техника соҳасида олиб бориладиган пропаганда ишларининг перспектив плани ишлаб чиқилган. Мазкур перспектив план самолётсозлар коллективининг социал ва иқтисодий тараққиёти билан боғланган бўлиб, жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳаракатини бирлаштиради.

Кўриниб турибдики, экономика, фан-техника ютуқлари ва самолётсозларнинг илғор иш тажрибаси кенг кў-

ламда пропаганда қилинмоқда. Бунга «Билим» жамияти ишларини партия маорифи кабинети, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти, бюроси, илмий-техника информацияси хизмати, социологик тадқиқотлар бюроси, кадрларни техник жиҳатдан тайёрлаш бўлими, кўп тиражли газета ва радио эшиттириш редакциялари билан яхши координация қилинаётганлиги туфайли эришилмоқда. Цех ва бўлимларнинг аксарият партия ташкилотлари «учлик планлар»ни тузмоқдалар. Унда амалга ошириладиган ташкилий-техник тадбирлар, социал-иқтисодий ривожланиш истиқболлари, ғоявий, сиёсий-оммавий ва лекция ишлари ўз аксини топади.

Бутуниттифоқ «Билим» жамияти Правлениеси Президиуми тўққизинчи беш йиллик якунларига биноан, «Билим» жамияти ташкилотининг В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруҳ лекторларини мақтов ёрлиқлари билан мукофотлади. Самолётсозларнинг тажрибасини «Билим» жамиятининг саноат, транспорт ва қурилиш ташкилотларида, колхоз ва совхозларда кенг ёйиш тавсия этилди. Бу меҳнаткашлар орасида олиб бориладиган лекция пропагандасининг самарадорлигини янада оширишга имкон беради.

«Билим» жамиятининг Фрунзе шаҳар физика приборлари заводи бошланғич ташкилотининг олиб бораётган иши ҳам эътиборга молик. Завод бошланғич ташкилоти 68 кишидан иборат. Булар — инженерлар ва техниклар, иқтисодчилар, илғор ишчилар. Ташкилот бюроси партия комитети билан биргаликда партиямиз XXV съезди қарорларида кўрсатилган асосий масалаларни ҳал қилиш, 1976 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга доир лекция темаларини белгилаб чиқди.

«Билим» жамияти аъзолари, цехлар ва завод бўлимларидан ташқари, меҳнаткашларнинг турар жойларида ҳам лекция ўқийдилар. Заводда ҳар йили иқтисодий-техника тараққиёти, интернационал тарбия масалалари, СССР халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва атеистик тарбия мавзуларида минглаб лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Жамият аъзолари социалистик мусобақани заводда, цехларда, бўлимларда пропаганда

қилишга, ишлаб чиқариш новаторларининг ташаббусини кенг ёйишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ҳозир барча цехлар, участкалар, бригадалар ва бўлимлар, шунингдек 98 процентга яқин меҳнаткашлар коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори номини олиш учун курашмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу фахрли номга айрим цехлар, участкалар, бригадалар ва аксарият ишчилар сазовор бўлган.

Заводда илмий-техника пропагандасининг хилма-хил формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Жамият аъзолари техника ютуқларини, турдош корхоналарнинг энг яхши тажрибаларини, техникага оид конференция ва мажлислар материалларини пропаганда қилмоқдалар. Шунингдек, тематик картотекаларни, библиографик шарҳларни ишлаб чиқмоқдалар, маълум мавзуда кўргазмалар ўтказишмоқда, техника янгиликларига оид бюллетенлар чиқаришмоқда. Хусусан, «Сифатга — доимий эътибор», «Ками-кўстсиз маҳсулот тайёрлаш», «Иқтисод ва тежамкорлик учун» каби мавзуларда кўргазмалар ташкил этилди.

Заводда халқ университети муваффақиятли иш олиб бормоқда. Университетда халқаро алоқа, иқтисодий билим ва техника тараққиёти факультетлари ва радиолекторий бор.

Маҳаллий радио эшиттиришда техника адабиётларига оид янгиликлар эшиттириб борилади.

Заводда токарлик, фрезерлик, слесарлик ихтисослари бўйича илғор меҳнат усуллари мактаби ташкил этилган. Мактабга ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари жалб қилинган. Бундан ташқари, «Билим» жамиятининг бошланғич ташкилоти иқтисод ва техниканинг актуал масалалари ҳақида лекция ўқиш учун Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан етук мутахассис лекторларни таклиф этмоқда.

Завод бўлимлари ва цехларида техника билимлари бурчаги ташкил этилган. Бундай бурчакларга ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг энг яхши ишлари, янги техника ҳақидаги адабиётлар қўйилган. Кўпчилик ёшларининг техника ижодини ўстириш, ихтирочилар ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга кенгроқ жорий қилиш учун заводда «Маҳорат ва ёшлар изланиши» шиори остида кўрик ўтказилди. Курикда 500 дан зиёд киши иштирок этди, 150 дан ортиқ

рационализаторлик таклифи тушди. Улардан айримлари ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида завод 10-минг сўм фойда кўрди.

«Билим» жамиятининг кўпчилик бошланғич ташкилотлари тингловчиларнинг истакларини ҳисобга олган ҳолда билимларни табақалаштириб пропаганда қилмоқдалар. Шу нуқтан назардан 8 мингга яқин киши ишлайдиган Душанбе тўқимачилик комбинатининг тажрибаси диққатга сазовор.

Тўқимачилик комбинатида «Хўжалик юритишни ўрганинг» мавзуида инженер-техник ходимлар, мастерлар ва бригада бошлиқлари, асосий касб ишчилари учун аниқ экономикадан қатор лекциялар уюштирилди. Иқтисодий-техника билимлари халқ университети, коммунистик меҳнат мактаблари, доимий иш кўрувчи лекторийлар муваффақиятли ишлаб турибди. Комбинатда Тожикистон Давлат университетининг олимлари иштирокида ҳар ойда илмий-назарий ва иқтисодий конференциялар ўтказилмоқда.

Иқтисодий билимларни пропаганда қилишнинг оммавий формаси — иш бўйича учрашувлар клуби ташкил этилди. Бу клуб ҳаммага маълум ҚВН — қувноқлар ва топқирлар клуби каби иш олиб боради. Клубга комбинатнинг инженер-техник ходимлари, кўплаб ишчилар жалб этилган. Командалар ўзаро мусобақалашиб, илмий-техника адабиётларини мунтазам ўрганиб, илғор иш тажрибалари билан танишиб борадилар.

«Билим» жамиятининг Ленинобод область ипакчилиги ва гиламчилик комбинатидаги бошланғич ташкилотлари ўз ишини жуда қизиқарли ва мазмунли қилиб уюштирган. Мазкур комбинат областда энг йирик корхоналардан ҳисобланади.

Ҳар икки комбинатда иқтисодий-техник масалалар ва илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини пропаганда қилишга катта аҳамият берилган.

Ипакчилик комбинатида илмий-техника пропагандаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жамият ташкилотининг лекция ишлари бўйича ягона перспектив плани бўлиб, ўз ишини завод техника уйи билан боғлаб олиб боради. Комбинатда жамоатчи референтлар институти ташкил этилган. Мазкур институт лекторларни техника адабиётлари янгиликлари билан таъминлайди. Гиламчилик комбинатида «Комбинат ёшлари», ётоқхо-

нада эса «Бизнинг замондошимиз» мавзуларида қатор радио эшиттиришлар уюштирилган.

Лекция ўқиш учун жамиятнинг область ва шаҳар бўлимидан лекторлар таклиф этилади.

Лекция пропагандасининг шу усулда ташкил этилиши лекция тематикаси ва кўламининг кенгайишига, сермазмун бўлишига, коллектив ишлари билан боғлашга имкон бермоқда.

Лекция пропагандасини яхшилашда илмий-методик совет ва секцияларнинг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Шунинг ҳисобга олиб Тожикистон ССРда - иқтисод ва илмий-техника билимларининг илмий методик советлари ишлари бўйича кўриклар ўтказилмоқда. Кўрикларнинг асосий вазифаси пропагандада илмий-методик советлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, жамоатчиликни лекция пропагандасига кенг жалб қилишдир.

ПРОБЛЕМА ВА ВАЗИФАЛАР

«Билим» жамиятининг Ўрта Осиё республикалари ташкилотлари илғор ишлаб чиқариш тажрибаси ва иқтисодий-техника билимларини пропаганда қилишда маълум муваффақиятларни қўлга киритишига қарамасдан, ҳали фойдаланилмаган резервлар ва камчиликлар мавжуд. Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг VI съезди қарорларида таъкидланганидек, қатор ташкилотларда иқтисодий пропаганданинг аниқ системаси шаклланмаган. «Билим» жамиятининг айрим ташкилотларида марксча-ленинча иқтисодий назария масалалари ҳақида лекциялар кам уюштирилмоқда. Халқ хўжалигини бошқариш ва конкрет экономиканинг актуал масалаларини пропаганда қилишга етарли эътибор берилмаяпти. КПСС сиёсати ва иқтисодий назарияни пропаганда қилиш аксарият ҳолларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг конкрет масалалари, ишчилар ҳаёти, социалистик мусобақани ташкил этиш, ҳар бир ишчининг коллектив олдида масъулиятини ошириш каби масалалар билан етарли даражада боғланмаяпти. Жамиятнинг айрим ташкилотлари социалистик мусобақани пропаганда қилиш жойларини ҳалига қадар белгиламаган. «Билим» жамиятининг лекторлари социалистик мусобақанинг илғор тажрибасини ҳали етарлича кенг тарғиб қилмаяптилар тежамкорлик учун кураш сусти, мавжуд

резервлардан фойдаланиш ва уни ташкил этишда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш ҳақида»ги қарорида миллионлаб меҳнаткашлар мусобақасини партиямизнинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг бош йўли билан боғлаб олиб бориш масаласи қўйилган. Бу асосий эътибор ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичларига, маҳсулотларининг сифатини яхшилашга қаратилиши лозим демакдир.

«Социализм,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— мусобақани сўндирмайдигина эмас, балки аксинча, уни ҳақиқатан кенг, ҳақиқатан оммавий қўламда ишлатиш учун, меҳнаткашларнинг ҳақиқатан кўпчилигини шундай иш майдонига тортиш учун биринчи марта имкон берадики, улар бу иш майдонида ўзларини кўрсата оладилар, ўзларининг лаёқатларини ўстира оладилар, талантларини юзага чиқара оладилар. Бу талант ҳамда қобилиятлар эса халқда тўлиб-тошиб ётибди»¹.

Тажрибани амалда қўлланиш социалистик мусобақани ташкил этишнинг муҳим принципларидан бири бўлиб қолди. КПСС XXIV съездида ишлаб чиқилган ҳар томонлама интенсивлаштириш ва ишлаб чиқариш самардорлигини оширишни жорий қилишда бу принципнинг аҳамияти янада ортади.

«Ишни шундай ташкил этмоқ керакки,— деган эди Л. И. Брежнев СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигида қилган докладада,— юксак меҳнат унумдорлиги учун, ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқ учун, маҳсулотнинг юқори сифати учун кураш умумхалқ иши бўлиб қолсин»².

Бунга эришиш учун меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришган илғорлар тажрибасини кенг ёйиб, ундан тўла фойдаланиш зарур. Масалан, Ўзбекистон ССРда А. Деятова ва Л. Казанцеванинг «Беш йиллик—тўрт йилда» деган ташаббуси республика бўйлаб кенг қулоч ёйди. Л. Казанцева беш йилликнинг тўрт йиллик топширигини 1972 йил декабрь ойидаёқ шараф билан адо этган

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 26-том, 416-бет.

² Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 4-том, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974., 102-бет.

эди. У шу давр ичида 1000216 метр газлама тўқиди. Моҳир тўқувчи 48 та дастгоҳда ишлайди.

Уларнинг бу ташаббусини тошкентлик ҳамкасб дугоналари Е. Губина, В. Солдатова, А. Турсунова ва кўплаб бошқалар қўллаб-қувватладилар. Ташаббус «Правда» газетасида ва республика матбуотида кенг ёритиб борилди. Бироқ бу борада жамиятнинг шаҳар, район ва бошланғич ташкилотлари олиб бораётган пропагандаси етарли эмас. Ўз тажрибаларини ҳамма билан ўртоқлашиш, маҳоратини оширишга ҳаракат қилиш, партия томонидан белгилаб берилган халқ хўжалик планлари ва топшириқларини бажаришда жонбозлик кўрсатиш ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига хос хусусиятдир. Илғорлар тажрибасини ёйиш айтарли моддий маблағ сарфламай туриб меҳнат унумдорлигини оширишга имкон берадиган воситадир. Аммо ҳозир новаторларнинг омма билан учрашувлари етарли эмас. Жамиятнинг республика, область, шаҳар ва район ташкилотларида илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини пропаганда қилиш секциялари ҳамон ташкил этилмаган.

Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида Ўзбекистон заршунослари она-Ватанга 5 миллион тоннадан зиёд, Туркменистон пахтакорлари 1100 минг тонна, Тожикистон деҳқонлари 820 минг тонна пахта сотдилар. Қирғизистон деҳқонлари ҳам ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида қилган докладида: «Республика-миздаги энг яхши коллективларнинг ва илғор кишиларнинг олижаноб интилишларини бундан буён ҳам чуқур ўрганиш ва кенг ёйиш керак. Бизнинг муваффақиятларимиз меҳнат завқини коммунистик қурилиш практикасини нақадар ёрқин ва ишонтирарли очиб беришимизга, совет турмуш тарзини қай даражада барқарор этишимизга ва пропаганда қилишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини ҳар доим назарда тутиш керак...

Бизнинг фахрланишга, пропаганда қилишга арзигулик ишларимиз кўп»¹, — деди.

¹ Ш. Р. Рашидов. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Ўзбекистон Коммунистик партияси XIX съездга ҳисобот доклади. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1976., 49—50-бетлар.

Тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистондан 140 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 70 мингдан зиёд киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Партия комитети ва «Билим» жамияти лекторлари олдидан Ўзбекистон КП Марказий Комитети 1976 йил январь ойида маъқуллаган «Унлар ташаббусини» кенг ёйишдек шарафли вазифа турибди.

Унинчи беш йиллик — бу сифат ва самарадорлик беш йиллигидир. Шунинг учун ҳар бир совет кишиси, ҳар бир меҳнат аҳли ўз корхонасининг, қурилиши ва колхозининг, ўз ишининг сифат кўрсаткичларини ошириш учун жон куйдириши лозим.

Ҳозир Ўрта Осиё республикаларида КПСС XXV съезди томонидан юксак баҳоланган кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари жамоатчилик томонидан қувватланиб, кенг ёйилиб бормоқда. Чунончи, Владимир Ильич Ленин номидаги Москва электромеханика заводидаги бригада аъзолари Н. Метелкин, И. Амосов, Н. Кузнецовларнинг «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» шиори, енгил саноат ишчилари А. Смирнова, В. Коломиецларнинг бир беш йилликда икки шахсий беш йилликни бажаришга азму қарори, ленинградликларнинг «Ҳар бир кишининг юқори сифатли ишидан юқори меҳнат самарадорлигига» ташаббуси шулар жумласидандир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездига ҳисобот докладида: «Бундан бир неча йил аввал Горький корхоналарида «Ёнимизда битта ҳам қолоқ бўлмасин!» деган чақириқ пайдо бўлган эди. Бу чақириқ фақат ишлаб чиқаришдаги шиор бўлиб қолмай, шу билан бирга ахлоқий нормага айланди. Дастлаб бу чақириқни кенг кўпчилик қўллаб-қувватлади, лекин, афсуски, ҳозирги вақтда баъзи бир жойларда бу чақириқ унутиб қўйилди. Ваҳоланки, бу чақириқни ҳамма жойда ёйиш бутун мамлакат учун муҳим натижалар бериши мумкин»,¹— деган эди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати юқори баҳолаган, маъқуллаган, умумиттифоқ аҳамиятига молик бўлган ташаббуслар, жамият ташкилотлари томонидан ҳам оғзаки, ҳам матбуот йўли билан кенг кўлам-

¹ Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитети ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976 йил, 106-бет.

да пропаганда қилиниши керак. «Динамо» заводи ишчиларининг меҳнат унумдорлигини ошириш борасида тузган шахсий планлари, Злобин бошлиқ қурувчилар бригадасининг пудрат усули, қишлоқ механизаторларининг машиналарнинг техник имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳаракати хўжалик фаолияти сифат кўрсаткичларини яхшилашда катта ёрдам беради. Шунингдек, фан ва илғор тажрибадан моҳирона фойдаланаётган, гўзанинг янги тезпишар, ҳосилдор, юқори сифатли тола берадиган навларини экаётган машҳур пахтакорларнинг, машинада пахта теришнинг илғор тажрибасини кенг пропаганда қилиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқувини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорида асосий касбга эга барча ишчиларни турли йўллар билан 5—6 йил ичида иқтисод фанидан қайта тайёрлаш, махсус курсларда саноатдаги инженер-техник ходимларнинг ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг малакаларини ошириш кўрсатилган. Юқорида қайд қилинган масалаларни амалга оширишда «Билим» жамиятининг ташкилотлари партия ташкилотларига, хўжалик ва бошқарма раҳбарларига катта амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Улар пропаганданинг барча воситаларини ишга солиб, ўзларидаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишлари лозим. Айниқса, меҳнат аҳли ўртасида пропаганда ишларини кучайтириш зарур.

«Билим» жамияти бошланғич ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган иқтисодий-техника билимлари ва илғор тажриба пропагандаси чиндан ҳам социал тараққиёт планининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолиши ва уни амалга оширишга ёрдам бериши керак. Бу жамият бошланғич ташкилотларининг лекция пропагандасини илмий йўналтиришда, ишларни бир неча йил олдин планлаштиришда, маълум аудитория учун пропаганданинг қулай форма ва методларини танлашда, лекция пропагандасининг мазмунини цех, бўлим ва, умуман, меҳнат аҳлининг вазифалари билан боғлаб олиб боришда янги имкониятлар очади.

Лекция пропагандасининг таъсирчанлигини оширишнинг асосий йўли лекторларнинг маҳоратини ошириб бориш, уларга кўпроқ ёрдам бериш, илмий-методик ишларни мунтазам такомиллаштириб боришдир. Лекция мавзуларини тузиш каби муҳим бўлган бу масала ҳам

Ўрта Осиё республикалари «Билим» жамиятларининг район ва бошланғич ташкилотлари томонидан тўла ҳал қилинган. Мазкур масаланинг қандай ҳал қилиниши лектор кадрларга, хусусан, билимларни пропаганда қилишда пешқадам олимларнинг, республика Фанлар академияси илмий ходимларининг, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларининг иштирокига боғлиқ. Иқтисодий-техника билимлари пропагандасини яхшилаш учун илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг саноат корхоналари билан ижодий ва доимий алоқасини мустаҳкамлаб бориш зарур. Истиқбол плани узоқ муддатга мўлжалланган ташкилотлар ҳам бор. Бу планларда олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларининг ўқитувчи-профессорлар составини, министрликлар, идоралар, корхоналар ва бирлашмаларнинг мутахассисларини лекция ўқишга кенг кўламда тортиш кўзда тутилади. Шунингдек, ушбу планлар лекторларнинг маҳоратини ошириш, тингловчилар талабини ва пропаганданинг самарадорлигини ўрганиш, иқтисодий билимларни жорий этиш системасини кенгайтириш тадбирларини ҳам ўзида мужассамлантирган бўлади. Доимий иш кўрадиган республика, область ва шаҳар семинарларида лекторларга назарий ва методик ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилади.

Иқтисодий ва коммунистик меҳнат мактабларига лекторлар тайёрлаш учун иқтисодий-техника билимлари халқ университетларида, техника олий ўқув юртларининг ёш лекторлар мактабларида, республикалар Фанлар академияларининг илмий-текшириш институтларида катта имкониятлар mavжуд.

КПСС Марказий Комитетининг «Белоруссия партия ташкилотларида идеологик кадрларни танлаш ва тарбиялаш иши ҳақида»ги қарорида, хусусан, иқтисодий ва илмий-техника масалалари юзасидан лекция ўқувчи лекторлар билан ишлашни жиддий кучайтириш масаласи ҳам қўйилган.

Жамиятнинг барча лекторлари ўз вақтида методик ёрдам олиб туришлари, керакли материал ва маълумотлар билан таъминланишлари, лекция ўқиладиган коллективнинг иши билан танишиш учун имкониятга эга бўлишлари керак.

Лекторларнинг мунтазам ўқуви лекция пропагандасининг сифатига ижобий таъсир этмоқда. Лекторлар-

нинг «Билим» жамиятининг область, шаҳар ва район ташкилотлари қошидаги доимий иш кўрувчи семинарларида, курсларида, мактабларида таҳсил кўришини таъминлаш, лектор-экономистларни қуйидан юқорига қадар қайта тайёрлаш системасини ташкил этишни ўйлаб кўриш вақти етди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. А. Суслов Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг VI съездида сўзлаган нутқида ҳозирги вақтда барча ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг партия сиёсатини амалга ошириш учун онгли курашчилар, коммунизмнинг актив қурувчилари бўлишларига, ўзларининг қобилиятлари ва ижодий ташаббусларини тўла-тўқис намоён этишларига эришиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир, деб таъкидлаган эди.

«Билим» жамияти ташкилотлари иқтисодий пропаганданинг чиндан ҳам оммавий ва самарали бўлиши учун курашишлари лозим. Иқтисодий пропаганда хўжалик юритишга, унинг илмий савиясини кўтаришга, меҳнаткашларнинг фаоллигини ўстиришга, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришга ёрдам бериши керак.

Геннадий Гаврилович
Алексеев

**ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗНАНИЯ --
ВСЕМ**

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан»
1976—Ташкент, ул. Навои, 30.

Отпечатано в ордена Трудово-
го Красного Знамени типогра-
фии изд-ва ЦК КП Узбекиста-
на. Ташкент, «Правда Востока»,
26.

Редактор Н. Холлиев
Техредактор С. Собирова
Корректор Ш. Мақсудова

Теришга берилди 14/VI-1976 й. Бо-
сишга рухсат этилди 16/XII-1976 й.
Қоғоз формати $84 \times 108 \frac{1}{32}$. № 2 Бос.
л. 1,25. Шартли бос. л. 2,1. Нашр л.
2,1 Тиражи 10285. Р-04291 «Ўзбекис-
тон» нашриёти. Тошкент, Навоий, 30.
Шартнома № 164—76.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмахонаси. Тошкент,
«Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ
№ 1044. Ваҳоси 6 т.